



Мовароуннахрлик аллома, йирик диний ва сиёсий арбоб, Накшбандия тарикатининг рахнамоси ва назариётчиларидан бири Махдуми Аъзамнинг тўлик исми — Саййид Ахмад Хожаги ибн Саййид Жалолиддин Косоний Дахбедийдир. У Фаргона водийсининг Косон шаҳрида таваллуд топган. Косонийнинг отаси Корахонийлар (840— 1212) сулоласига мансуб султонлардан Бурхониддин Килич (XI аср) авлодларидан бўлиб, онаси эса Косон саййидлари оилаларига мансуб эди.

Махдуми Аъзам илк таълимни Косон мактабларидан бирида олган. Сўнг Ахсикатда, Хожа Муборак мадрасасида ўқишни давом эттиради. Косонийнинг домласи Мулла Зиё ўз шогирдининг аъло даражадаги қобилятини эътиборга олиб, унга «илм уз-зохир» (оддий, умумий илмлар)дан яхши таълим беради ва шу билан бирга «илм ул-ботинни чуқур ўргатади. Чунончи, ёш Ахмад устозининг раъйига кўра таникли сўфий шоирлардан Жалолиддин Румийнинг (1207— 1273) «Маснавий маъновий» деб номланган машхур девонини қайта-қайта ўқиб, ундаги чуқур фалсафий фикрларни «қалб кўзлари» билан кўриб, англаб олишга ҳаракат қилади.

Мадрасани битиргач, Ахмад Косоний Шайх Мир Саййид Алига шогирд тушади. Мир Саййид Али янги шогирдини билимини синаб кўриш учун кийин-кийин саволлар беради. Ахмад Косоний саволларга тўлик жавоблар қайтаради. Шогирдининг билимидан мамнун бўлган шайх: «Энди мен сенга эмас, балки сен менга устоз бўлдинг», деган экан. Яна бир неча кундан сўнг Шайх Али шогирдига бундай деган экан: «Шош вилояти томон йўл олқи, ул вилоятда замонимиз кутби Мухаммад Кози бордур; Хожагон (Накшбандия) тарикати қорхонасининг бутун ишлари ул жавонмарднинг қўлларидадур». Мухаммад Кози (ваф. 1516) машхур Хожа Ахрор (1404—1490) шогирди ва ўз замонида Накшбандия тарикатининг раҳбари эди. У Хожаги Ахмадни шогирд қилиб олади ва тез орада ўзига халифа этиб тайинлайди. Манбаларга қараганда, Махдуми Аъзам ўша чоғларда (тах. 1491-92 йиллар) устози билан Хиротга сафар қилиб, у ерда таникли аллома ва шоир Абдурахмон Жомий билан бир неча бор учрашиб суҳбатлашади.

Олти ойлик сафардан сўнг Мовароуннахрга қайтгач, Махдуми Аъзам устози билан Тошкентга келади. 1503 йилда Бухоро шаҳрининг ҳокими Мухаммад Султон (1500-1504) таклифи билан Бухорога кўчиб боради. Орадан бир оз вақт ўтгач, Махдуми Аъзам

Мухаммад Кози рухсати билан Ахсикатга кайтади ва бу ерда мустакил ваъзхонлик килиб, Накшбандия тарикатини тарғиб этишга астойдил киришади.

Мухаммад Кози вафотидан сўнг, Накшбандия тарикатининг барча мовароуннахрлик шайхлари Махдуми Аъзамни «пешвойи тарикат» (тарикат пешвоси) сифатида эътироф этишди. Тез орада Махдуми Аъзамнинг шухрати бутун Мовароуннахр ва унинг атрофидаги қўшни мамлакатларга ёйилди.

Айнан ўша кезларда буюк шоир ва давлат арбоби Захириддин Бобур Махдуми Аъзамнинг эътиборини қозониш мақсадида унга Хожа Ахрорнинг «Рисолайи волидия» асарини туркий тилга ағдариб, Хиндистонда битилган ўз рубоийлар девони — «Девони Бобур»га қўшиб юборади. Афтидан «Бобурнома»да бу ходиса асарнинг бизгача етиб келмаган (1509-1520 йиллар воқеалари зикри) қисмида тавсиф қилинган. Бирок Мирзо Бобурнинг мазкур девонида Махдуми Аъзамга бағишланган рубоийлар ҳам учрайди:

Дар хавойи нафси худи мо умри зоъи кардаим,
Пеш ахлуллох аз афъали худ шармандаим.
Як назар ба мухлисони хастайи дил фармон ки, мо
Хожаги (Ахмад) ро мондаим ва Хожаги ро бандаим.

Мазмуни:

Нафсимиз хавасларида умримизни нобуд қилдик, Энди ахлуллох (сўфийлар) олдида қиликларимиз учун шарманда бўлдик. Биздай хастаи дил мухлисларингга бир назарингни ташлаки, биз Хожаги (Ахмад)ни ташлаб кетган бўлсак-да, лек биз унинг бандаларимиз.

Ўз навбатида Махдуми Аъзам Мирзо Бобурга бағишлаб «Бобурия» рисоласини ёзиб Хиндистонга жўнатади.

Тахминан 1524-25 йилларда Махдуми Аъзам Кармана ва Миёнкал ҳокими Жонибек султоннинг таклифига биноан Карманага қўчиб келган эди.

Тез орада шайбоний султонларидан Убайдуллоххон (1504-1539), Искандархон (ваф. 1583), Балх ҳокими Кистин Каро султон ва бошқалар Махдуми Аъзамни ўзларининг рухий пири деб биладилар.

Махдуми Аъзамнинг илмий мероси бой бўлиб, у тасаввуф назарияси ва амалиёти, хусусан, накшбандия таълимотини янада ривожлантириш соҳасида баракали фаолият кўрсатди. Унинг каламига мансуб 30 дан ортиқ рисола маълум бўлиб, «Асрор ун-никох» («Никох сирлари»), «Ганжнома», «Рисолат ун-самъиййатун» («Самоъ рисо-ласи»), «Баёни зикр» («Зикр баёни»), «Рисола-и силсила-и Хўжагон» («Хўжагон силсиласи»), «Шарҳи газали Убайдий» («Убайдий газалига шарҳ»), «Меърож ул-ошикин» («Ошиқлар меърожи»), «Рисола-и Накшбандиййа», «Рисолат ун-вужудиййатун» қабилар шулар жумласидандир. У ўз асарларининг кўп қисмида уламолар, сўфий шайхлар ва давлат арбоблари орасидаги муносабатлар хусусида тўхтаб ўтган ва тарикатнинг сиёсий фаолиятига тўла асос бор эканлигини исботлаган. Хожаги ачиниб ёзганидек, у яшаётган замонда вилоят ҳокимлари шахсий манфаатларини биринчи ўринга қўйиб, ҳокимият

талашиш билан банд эдилар, тинимсиз харбий ҳаракатлар эса халк ахволини янада огирлаштирарди. Шундай мураккаб сиёсий ва иктисодий вазиятда Махдуми Аъзам ўз обрўидан фойдаланиб фитнабозликка майли бўлган вилоят ҳокимларини «Улуғ Хожа Ахрор каби иноклик дастурхони атрофига йигиб, бир-бирларига сулҳ кўлларини узатишга ундади».

Пайгамбаримиз: «Амирларнинг яхшиси олимларни, олимларнинг ёмони эса амирларни зиёрат қилади» ҳадисига Хожаги Косоний қуйидагича шарҳ беради. «Агар амирни зиёрат қилувчи уламо доно танбехлар воситаси билан давлатда адолатлик, эзгулик, фуқаролар орасида осойишталик ва барқарорлик ўрнатишни мақсад қилиб олса, бундай олим аслида мазкур (зиёрат этилган), амир эса зоъир (зиёрат этувчи) деб ҳисобланади» («Зубдат ус-соликин ва танбех ус-салотин» рисоласидан).

Махдуми Аъзамнинг тасаввуф таълимотига оид фикрлари Накшбандия назариясига асосланган. Алломанинг фикрича, Накшбандия тариқати уч зарурий қоидага бўлинган:

- 1) Ихвон (биродарлик). Яъни, тариқат аъзолари хатти-ҳаракатларида ҳамдард, ҳамнафас ва ҳам-фикр бўлишлари лозим;
- 2) Макон (ўрин, мавқе). Хар бир толиб муршидининг насиҳатларига амал қилиб, барқамолликка интилмоғи лозим ва шу жараёнда тариқат аъзолари орасида ўзига муносиб мавқе сохиби бўлиб, ўз мартабасига лойиқ иш қилмоғи керак;
- 3) Замон. Агар маълум бир замоннинг халқлари ва қавмлари орасида зиддият ва ихтилофлар пайдо бўлса, булар тариқат биродарларини қарама-қаршиликларга қелтирмаслиғи лозимдир. Аммо Махдуми Аъзам фикрича, ушбу қоидалар қаторига яна бир муҳимини қўшмоқ даркор — Хон. Яъни, тариқат фаолиятининг самаралари халққа етиб бориши учун, сўфий тоифаларининг муршидлари амирлару султонларга яқинроқ бўлмоғи керак. Асосий мақсад бу ерда шуки, давлатда осойишталик, барқарорлик, фуқароларни ҳалол меҳнат билан тирикчилик қилишларига барча қулай шароитлар мавжуд бўлса, ундай ҳолда сўфий шайхлар давлат арбобларини қўллаб-қувватлайдилар.

Махдуми Аъзам асарларининг энг тўла мажмуаси ЎзР ФА Шарқшунослик институтга хазинасида сақланмоқда. Аллома фикрлари ва дунёқарашларига асосан Газзолий (1058—1111), Ибн Араби (1165-1240), Хожа Муҳаммад Порсо (1348—1420) ва бошқа таникли файласуф сўфий олимларнинг асарлари таъсир қилган. Махдуми Аъзам Накшбандия таълимоти ва умуман тасаввуф фалсафасини ўз замонида мослаштирган ҳолда янги гоялар билан бойитди.

«Мирот ус-сафо» («Софлик ойнаси»), «Асрор ун-никоҳ» рисола-сида Ибн Арабининг «Дунё азалий (илохий) мавжудотнинг ойнавий акси» мавзуидаги назариясига қуйидагича шарҳ берилган: Мутлақ ва азалий мавжудотни дарвеш юрагининг кўзгусида инъикос этиши мумкин. Махдуми Аъзам эса: «Хар бир инсон юрагида бундай кўзгу мавжуд, аммо уни гофиллик занги босган. Зангни йўқотиш учун инсон тариқатга қиришиб, рухий қамолотга интилиши лозимдир», — дейди.

Яна бошқа қатор рисолаларида («Одоб ус-соликин», «Одоб ус-сиддикин») буюқ аллома Накшбандия таълимотида мурид — муршид муносабатлари борасида ҳам ўзига хос фикрларни илгари сурган. Унинг фикрича, шу тариқат одобу қоидаларида мурид ва

шайх мунособатлари ўзаро хурмат-иззат асосида курилмоғи лозим. Шу билан бир каторда мурид (солик) Аллохга восил бўлиш йўлидаги тўсикларни осонроқ енгмок учун ўз пирига тўла бўйсунити керак.

Махдуми Аъзам фикрича, тарикат аъзолари халкка якин бўлиб, унинг дардлари ва эҳтиёжларига кайғудош бўлса ҳам тарикатга, ҳам халкка фойдалидир. Шу борада Махдуми Аъзам куйидагича тушунтириш берган: «Толиб (хакикат изловчи) учун унинг Аллох йўлида килган ибодатлари факат халк билан бўлган алока ва суҳбатларида самарали бўлиши мумкинким, агар ул номард бўлса, мард бўлур, мард бўлса, ширмард бўлур ва агар ширмард бўлса, фардмард (тенги йўк мард) бўлгай» («Зубдат ус-соликин»).

Махдуми Аъзам Накшбандия назариясига яна бошка ислохотлар киритди. Жумладан, Накшбандия шайхларидан биринчилар каторида жахр зикри, самоа ва шунга ўхшаш тасаввуф маросим тартиблари шариатга хилоф эмаслигини исботлади ва хатто уларни маълум бир даражага етган шогирдлари орасида тадбик этди. Бундай ислохотларнинг ягона максади — «Накшбандия тарикатини турк (ўзбек) ва тожиклар учун бир хил килиб, якинлаштиришдир». Алломанинг гапига караганда, Хожагон тарикати «ўзида кўз кўрмаган ва кулок эшитмаган тарикатларни мужассамлаган ва шу сабабдан уни тарикатлар сараси ва тузи, ёхуд «силсилат уз-захаб» (олтин занжир) деб аташ мумкин.

Махдуми Аъзамнинг таржимаи холи ва фаолияти якин шогирдлари томонидан бир неча асарларда ёритилган. Улардан: Мухаммад Шахри Сафойи ал-Котибнинг «Анис ат-толибин» («Хакикат изловчиларнинг якин дўсти»), Дўст Мухаммад Фолизкорнинг «Танбият уз-заллин вал-музиллин» («Йўлдан адашган ва адаштирувчиларга танбехлар»), Дўст Мухаммад ибн Наврўз Ахмад ал-Кеши ал-Косо-нийнинг «Силсилат ус-содикин ва анис ул-ошикин» («Садокатли-лар силсиласи ва ошиклар дўсти») каби асарларда энг тўлиқ ва ишончли маълумотларни учратишимиз мумкин. Шу манбалар асосида тузилган Махдуми Аъзамнинг тўлдирилган таржимаи холи ҳам маълумдир. 1617 йилда Абул-Бако ибн Бахоуддин ибн Махдуми Аъзам томонидан тузилган «Жомеъ ул-макомат» деб номланган асар шулар жумласидандир.

Махдуми Аъзам ёзган рисоаларга махсус битилган шархлар кам бўлса-да, аммо бу асарларнинг тарикатнинг сўнгги XVI-XX аср бошларида битилган назарий адабиётларга катта таъсири бўлган.

Накшбандия тарикатининг таникли назарийчиси Бадриддин Кашмирий (ваф. тах. 1620) ўзининг катор асарлари («Раузат ар-Ризвон», «Раузат ул-жамол»)да Махдуми Аъзам рисоаларидан фойдаланган. Унинг асрдоши Накшбандия ва Яссавия тарикатларининг буюк намояндаси, назарийчиси ва тарғиботчиси Султон Ахмад Хазиний ал-Хисорий асарларида ҳам Махдуми Аъзам баён этган фикрларга кенг шархлар битилган. Маълумки, Хазиний 1567—68 йилларда хажга сафар килиб, сўнг умрининг охиригача Усманийлар салтанатига карашли улкан шаҳар ва вилоятларда (Сурия, Кохира, Истанбул) яшаб, ўша ерларда Махдуми Аъзам гоёларини тарғиб этди.